**Г азонларга ишлов бериш.** Г азон ута калин ва тез усганлиги хдмда куп янги усимталар берганлиги учун уларнинг эски барги, илдизи ва шохлари тукилиб боради, натижада тупрокнинг устки кисмида жуда куп микдорда органик модда тупланиб тупрокнинг х,аво ва сув режимини бузилишига олиб келади. Уларнинг бузилиши эса усимлик колдикларини тез да парчаланмаслигига сабаб булади. Окибатда утларнинг усиши ва ривожланиши сусаяди, турли касалликлар пайдо булади. Буни олдини олиш учун чимзорларга махсус куроллар билан тешиklar килиниб, ишлов берилади. Ишлов бериш эрта бах,орда ёки кузда, яъни утларда туплаш жараёни яхши кечаётган даврда утказилади. [8]

Саноатда махсус чимзорларни тешиш учун кул ва механизация куроллари ишлаб чикилмокда. Агарда махсус куроллар булмаганда, уларни айри шохлар (вилка) билан амалга ошириш мумкин. Тешиklar сони 1м<sup>2</sup> майдонда 300 донадан кам булмаслиги керак. Газоннинг меъёрида усиши, ривожланиши ва унинг сифати куп жихдтдан тупрок унумдорлиги хдмда донадорлигига боглик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тупрок шу кадар майин булиши лозимки, унинг энг катта булагини жухори уругидек келиши даркор. Чунки факат унумдор, юмшок ва майда тупрокда сув, хдво, озика моддалари алмашинувининг талаб этиладиган меъёрда булишини таъмин этиш мумкин.

Унумсиз, таркибида органик моддалар етарли булмаган, курилиш майдонининг

чу кур катламларидан олинган тупроклар газон учун яроксиз хисобланади. Бундай тупрокка экилган ут уруглари тулик униб чиқиши мумкин, аммо кейинчалик чимзор оқибатида тупрок зичлаша бошлайди, усимлик илдизи чуқуррок катлам ва ён томонга ривожланмасдан сиқилиб қолади. Натижада усимликнинг асосий қисми нобуд бўлади, қолгани эса жуда суст ривожланади, чимлокнинг ҳолати ва умумий қуриниши бузилади.

Шунинг учун чимзор барпо етишда жой танлаш ва тупрокни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Демак, чимзор барпо қилиш учун аввало, ер тугри танланиши ва тегишли лойиха тузилиши талаб этилади. Одатда лойихада ерни рельефи буйича текислаш, йул ва дарахтларнинг жойлашуви ҳамда тупрокни тайёрлаш ишлари акс эттирилади. Ерни тайёрлаш дастлаб 30 см чуқурликда чопиш, текислашдан бошланади. Сунг ер юзасига қирган гунг ( $10-15\text{кг}/\text{м}^2$ ), майда кум (енгил тупрокка  $8-10\text{кг}/\text{м}^2$ , оғир тупрокка ( $10-15\text{кг}/\text{м}^2$ ), аммофос ( $200-250\text{г}/\text{м}^2$ ) ва калий ( $70-100\text{г}/\text{м}^2$ ) угит аралашмаси бир текис ёйиб чиқилади ва аралашманинг тупрок билан қоришиб кетши учун 10-15 см чуқурликда майда чопик қилиниб, тирнағич ёрдамида яна бир бор аралаштирилади. Нихоят, ер юзаси тахтача ёрдамида текисланиб, оғирлиги 20-30 кг бўлган галтак ёрдамида зичланади. Тупрокни сифатли тайёрлаш учун яна бошқа бир усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун унинг 30-40 см устки катлами олиб ташланади, урни текисланиб, дастлаб 15-20 см қалинликда шагал, шагалнинг устидан 10-15 см қалинликда сараланган йирик кум ҳамда шу чуқурликда тупрок-кум-биогурус ( $10\text{кг}/\text{м}^2$  қирган гунг,  $5\text{кг}/\text{м}^2$  кум ва  $5\text{кг}/\text{м}^2$  тупрок ёки  $15\text{кг}/\text{м}^2$  гунг ва  $5\text{кг}/\text{м}^2$  кум) аралашмаси солиниб текисланади. Тупрок маълум даражада ёгин-сочин таъсирида табиий зичланишини назарда тутиб, уни тайёрлаш ишлари қуз фаслининг бошларида бажарилгани маъқул. [44]

### **Магистрлик диссертацияси аннотацияси**

**Маезунинг долзарблиги.** Газон утларининг ахдмиятини хисобга олган ҳ,олда Ўзбекистан шароити учун мос газон ут турларини танлаш, уларни иссик-совук хароратга чидамли, касаллик ва заракунандалар таъсирига бардошли навларни яратиш , яратилган навларни уругчилигини йулга куйиттг хозирги пайтда Республикамиз учун долзарб масала ҳ,исобланади.

**Тадк;ик;отнинг мак;сади** .Итгтнинг асосий максоди газон у<sup>тла</sup>Рининг маҳ,аллий янги яратилган Манзара-1 ва Манзара-2 навларининг уругчилигини урганиш, Республикамизга чет мамлакатлардан валюта ҳ,исобига келаётган газон ут уруглари миқдорини камайтириш.

**Тадк;ик;отнинг вазифалари:**

Газон утларининг янги навлари уругчилигини урганиш учун ер танлаш ва тупрокнинг ҳолатини , уругидан ва кучатидан купайтириш усулида талаб қилинадиган агротадбирларни урганиш ,уругидан ва кучатидан етиштириш усулларида ут навларининг усиши, ривожланиши ва уруг ҳ,осилини аниқлаш.

**Тадк;ик;от объекти ва предмети:** Бошқоқдошлар оиласига мансуб куп йиллик, йил давомида яшил ҳ,олатда усувчи, тез янги усимталар ҳ,осил қилувчи *Lolium perenne* ва *Poa pratensis* ут усимлиги. Тадкикот предмети - фенология, экология, морфология, физиология.

**Тадк;ик;от методлари.** Лаборатория ва дала тажрибалари, фенологик, морфометрик, биоэкологик, физиологик, агротехник ва статистик методлардан фойдаланилди.

**Изланиш-тадк;ик;отларнинг илмий янгилиги.** Илмий тадкикот ишида биринчи марта Ўзбекистан шароитида яратилган газон утларининг Манзара-1 ва Манзара-2 навларини уругчилиги буйича тадкикотлар утказилиб, бу иккала навнинг уруг етиштириш учун утказиладиган агротехнологик тадбирлари яъни уруглик учун экилган газон ут навларининг усув фазалари буйича зарур булган агротадбирлар, уругни вужудга қелиш жараёни, пишиб етилиттг ва йигиштириб олиш муддатлари, уругни қуритиш, тозалаш, саклаш ва уругларни сифат курсаткичларини аниқлаш

каби масалалар урганилди.

**Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий а^амияти.** Тадкикотлар натижалари асосида Тошкент вохдси шароитида янги газон утларни купайтириш усуллари ишлаб чиқилди ва куп йиллик илмий тажрибалар натижасида ТошДАУ тажриба майдонида устирилаётган усимликларнинг сони ортди ва экинзор барпо этилди. Олинган маълумотлардан газон етиштиришга ихтисослашган хужаликларга ва кукаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ташкилотларига тавсиялар берилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Илмий иш бетдан иборат бўлиб, 54 та адабий манбалар, шулардан 17 таси хорижий адабиётлар, 16 та жадваллар, 6 та иловалар, 5 та расмларни уз ичига олган.

**Хулосалар** Тошкент вилоятининг типик буз тупроклари шароитида газон утларининг Манзара-1 ва Манзара-2 навларидан кжори уруг х,осили олиш учун махсус тайёрланган кучатидан экиш мақсадга мувофиқ. Газон ут навларидан кучат етиштиришда март ойининг бошида уруг экиш ва 38-40 кундан кейин кучат далага экиш учун тайёр булиши аниқланди. Уруглик учун экилган газон ут навларини мавсум давомида 8 марта сугориш ва хар галги сугориш меъёри  $400-550 \text{ м}^3/\text{га}$  да, мавсумий сугориш меъёри эса,  $3776 \text{ м}^3/\text{га}$ , сугоришлар орасидаги кунлар уруг питттиб етилитт давригача 13-16 кун, кейинги усув даврларида эса 22-25 кун булди. Юкорида келтирилган агротехнологик тадбирлар Манзара-1 навидан уругидан экилганда  $1,45 \text{ ц/га}$ , кучатидан экилганда  $1,67 \text{ ц/га}$ , Манзара-2 навидан уругидан экилганда  $1,65 \text{ ц/га}$ , кучатидан экилганда  $2,0 \text{ ц/га}$  уруг х,осили олишни таъминлади. Манзара-1 навининг уруг курсатгичлари Манзара-2 навига нисбатан кам булишлиги кузатилди. Бу навларнинг турларидаги ва биологик хусусиятлардаги фарклари билан богликдир.

## 1.2. Газонбоб ут турлари ва уларнинг биологик хусусиятлари.

Газонбоб утларнинг бир йиллик, икки йиллик ва куп йиллик турлари мавжуд. Бир йиллик ут вегетация жараёнининг тулик боскичини шу давр мобайнида босиб утади: уруги етилиши билан унинг ер юзасидаги пояси, барги ҳамда ер остидаги илдизи қурийд. Икки йиллик ут илк вегетация даврида илдизи, пояси ва барглари шаклланса, гуллайдиган, мева берадиган ва уруглайдиган поялари иккинчи йили ҳосил бўлади.

Газонбоб утларнинг аксарияти куп йиллик бошоқдош усимлик ҳисобланади. Улар йил давомида яшил рангга бурканиб туриши, урилганидан сунг янгиланиш хусусиятига эга экани ҳамда унинг асосий барглари усимликнинг қуйи бугинида вужудга келишгач, баргининг тик ва мустаҳкам узиши билан ажралиб туради. Кукаламзорлаштириш амалиётида газонбоб утларнинг бир канча турлари парвариш қилинади. Утлоқ ва оддий кунгирбоши, қизил ва утлоқ бетагаси, оқ ва судралувчи поливеца, яйлов ва инглиз райграси, оқ ва қизил йунгичка шулар жумласидандир. [37]

**Утлоқ; кунгирбоши** - бошоқдошлар оиласига мансуб ҳамда ҳар қандай манзарали газонга мос куп йиллик усимликлар сирасига қиради. Бу газонбоб ут илдизининг қалталиги, утининг қаттиклиги ҳамда биртекис тук яшил ранги билан ажралиб туради.

Илдизининг учи тупрокка чуқурлашиб кетса-да, аммо асосан тупрок юзасида тупланади. Усимлик илдизларидан янги илдизчалар ҳосил бўлиб, куплаб ёнлама поя ва шохчаларнинг шаклланишига шароит яратади. Тук яшил баргларининг эни 1-4мм, узунлиги 20-30см келади. Экилган йили утлоқ кунгирбошттининг асосан илдизлари ривожланиши сабабли поя ва баргларининг узиши суст бўлади. Иккинчи-учинчи йили у тулик шаклланади. Ушбу газонбоб у<sup>т</sup> у<sup>3</sup> вақтида озиклантирилиб, парвариш этиб турилса 15 йилдан купрок давр мобайнида чиройини йукотмайди.

Унинг яна бир афзаллиги-қаттиқ совук ва қурғокчиликка ҳамда қатқалокка чидамлилиги. Урилгандан кейин тез ва биртекис усади. Бу утни тупрок шароити

турлича булган ерга мослаштириш мумкин. [44]

**Утлок; бетагаси** - илдизлари нихоятда бакуват,буйи баланд куп йиллик усимлик. У сим ликнингтепа кисмидаги барглари тук яшил,куйидагилари товланувчан булади: баргларининг эни 3-7мм,буйи 20-30см келади.Бетага эрта бахорда уса бошлайди, урилганидан кейин янги поя ва барг хисобига жадал тупланади. Утлок кунгирботтти сингари иккинчи-учинчи йили тулик шаклланади.

Бетага каттик совук ва кургокчиликка чидамсиз. Ер сатхи музлаганда нобуд булиши мумкин.Бундан ташкари, у кумлок ерда яхши усмайди.**Яхтти** озиклантириб,парвариш этиб турилса 12 йилгача усиб **туритти** мумкин.Газонбоб утнинг бу тури купрок бог-хиёбон ваутлок чимзорлари барпо этишда,партер газонлари яратишда эса камрок кулланади. [52]

**Яйлов райграси** - биринчи йилиёк калин тук яшил,ёркин чимзор хосил киладиган куп йиллик усимлик.

Илдизлари бакуват,ер остига анчагина чукурликка ёйилиб кетади. Юкори кисми корамтир яшил, куйи кпсми тук яшил баргларининг эни 1-5мм, узунлиги 8-17см келади.Бахорда гуллаб,уруги июль ойида пишиб етилади. Райграснинг асосий афзаллиги шундаки,у экилган йилиёк жуда чиройли,тук яшил чимзор х,осил килади.

Урилганидан кейин тез ва бир текис усади хамда кеч кузгача тук яшил рангини йукотмайди. Илдизининг бакуватлиги туфайли тупрокнинг босилиши ва зичлашувига дош беради. Аммо каттик совук ва тупрокнинг музлашига ута чидамсиз.Ушбу газонбоб у<sup>1</sup> экилган чимзор 5 йилгача у<sup>3</sup> куринишини йукотмайди.

Чимининг каттиклиги билан у кунгирбоши ва бетагадан анча фарк килса-да, тез усиб, ривожланиши туфайли чимзорлар барпо этишда энг куп кулланидиган газонбоб утлар сирасига киради. [51]

**Майсазор кунок; ути.** Майсазор кунок ути кеч кузда усишдан тухтайди. Шунинг учун бошка бошокли газон утларга Караганда кор тагида кум-кук булиб туради. Факат 2 -3 йилда кунок ути тула усиб ривожланади. Хдетининг 2-йилида эрта бахорда усиш ва ривожланиш тезлиги купаяди, бу биринчи навбатда, майсазор кун°К

утини фаол вегетатив ривожланишига боглик. Яхши шароитда сунъий майсазордаги вегетацияси бир неча ун йилликларга чузилади, жуда куп ер ости илдиз поялари купаяди ва юкори кувватга эга булади. Майсазоридаги кунок ут босиб ташланишига чидамли. Унинг фаолиятидаги юкори кайттикликлиги натижасида юкори деярли манзаралигига таъсир килмайди.

**Кизил сули.** Намликка муносабати туфайли кизил сули факультатив ксеролизофитларга киритилган.

Кургокчиликка чидамлилигни аниклаш табиий шароитда утказилган.

Кизил сули кургокчиликка чидайдиган усимликлар гурухига куттититт мумкин. Узок давом этган куругокчиликда усимликнинг вегетацияси тугайди.

Кизил сулининг кургокчилика ва иссика чидамлилиги унинг газ ва туманга чидамлилигига мос келади.

Кизил сули узининг совукка чидамлилиги билан фарк килади. Кизил сули замбуругли касалликларга карши ва биринчи уринда занг ва ун шудринги касаллигига карши юкори чидамли.

**Майсазор сулиси.** Майсазор сулиси совукка чидамли, бах,орда эрта униб чикади. Кеч бахорги совукларга чидамли. Майсазор сулиси узига хос хусусияти юкори (куп) уруг бериш, 3-5 йил уруг сифатида ишлатилади. Оддий маданий газон сифатида маданий талабларга жавоб бера олади. Лекин газонларнинг декоративлиги жихатдан умуман тугри келмайди.

Усимлик купол ва кенг баргдан иборат. Бир-биридан ал ох и да ажралган бир тутам ут наваларини хосил килади ва ер юзини бир катлам билан таъминлай олмайди. [8]

## **II-боб. Тошкент вилояти ик<sup>а</sup>лим шароити.**

**Рельефи.** Тошкент вилоятининг худуди 15,9 минг км<sup>2</sup> га якин булиб бу худуд тог, тог олди, кенг адирликларни ва паст текисликларни уз ичига олади.

Тог худудлари кескин узгарувчан тик коялардан, чу кур сойликлардан иборат булганлиги учун бу худуд рельефи макрорельефга хосдир (чоткол, курам а тог тизмалари) тог олди ва адирликлар эса бир мунча кескин узгармаган ва адир-

кирликлар бир-бирига уланиб кетган, аста-секин тоғ олди ҳудудлардан умумий нишаблик буйича адирликларнинг текислик минтақаси томон йуналиши кузатилади.

Шунинг учун бундай рельеф хусусияти мезорельефга мос келади. (Бустонлик, Қ,ибрай, Паркент, Пскент, Бука, Бекобод туманларининг адирликлари).

Вилоятнинг текислик минтақаси асосан Чирчик-Ангрен воҳдсини уР<sup>та</sup> ва куйи қисмларини таттқил қилиб, бу ҳудудларда кичик-кичик баланд пастликлар, чу қур дарёларнинг узанлари, кескин қул уР<sup>инла</sup>Р<sup>и</sup> учрайди. Бу ҳудудда вилоятнинг асосий сугориладиган майдонлари тарқалган бўлиб унинг рельефи микрорельефлидир.

Умуман Тошкент вилоятининг табиий рельефи шароити узига хос бўлиб, тоғ ҳудудларидан яйлов сифатида кенг фойдаланилади, тоғ олди ва адирликларда эса лалми дехқончилик ва чорвачилик кенг тараккий этган, текислик ҳудудларида эса асосан сугориб дехқончилик қилитгга ихтисослашган.

### **2.1. Иқлим шароити.**

Тошкент вилоятининг иқлим шароити бутун Ўзбекистонга хос бўлган лекин континентал ва қуруқдир. Лекин бу вилоятнинг иқлим шароити узига хос бўлиб, вилоятнинг текислик қисмидан тоғ минтақалари томон ҳавонинг ҳарорати пасайиб боради, атмосфера ёгин микдорлари эса аксинча қупаяди.

Текислик ва адир минтақаларида қиш ойларининг ҳарорати тургунсиздир, улар уз гар и б туради. Вилоятда энг сову қ ой январь ойи бўлиб, бунда ҳдвонинг ҳарорати 0°С дан - 29°С гача булади.

Қ,ор билан қопланган қунлар 30-34 қундан иборат булади.

Вилоятнинг энг иссиқ ойи бўлиб унда ҳдвонинг ҳарорати максимум 43°С дан ошади. Ёз ойларининг ҳ,арорати қуруқ иссиқ бўлиб баъзан “Гармсел” шамолини олиб келади. Гаримсел давридаги ҳаво ҳарорати одатдаги қунлар ҳарорати га нисбатан 6-8°С қжори бўлиб, ҳаво намлиги эса ниҳоятда қуру қ холда булади. Бундай ҳаво ҳарорати таъсирида жуда қуп қишлоқ ҳужалиқ эқинлари зарарланади, улар уқиш ва ривожланишдан тухтайди.

Август, сентябр ойларида Бекобод ҳудудида яъни Фарғона водийси билан Мирзачул уртасида ҳаво алмашинуви туфайли жуда қучли шамоқ эсади. Бу

шамолнинг тезлиги 10-30 м/сек дан 40 м/сек гача етади. Иклимнинг бундай эканлиги кишлок хужалик экинларининг усиши ва ривожланишига кучли салбий таъсир курсатади.

Вилоят худудида буладиган атмосфера ёгинларининг миқдори ҳам турличадир. Текислик қисмида бир йил давомида 261-316 мм ва тоғ олди адир минтакаларида 366-435 мм тоғ минтакаларида эса 700-895 мм гача атмосфера ёгинлари булади. Атмосфера ёгинларининг асосий қием и тоғ худудида қор тарзида, адир ва текислик минтакаларида эса ёмғир тарзида юз беради. Ёгингарчиликнинг қуп қием и киш ва баҳор ойларига тугри келади, озчилик қием и куз ойларида тушади. Ёз ойларида эса деярли ёмғир булмайди.

Умуман Тошкент вилоятининг иклим шароитини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, бу ҳудуд кишлок хужалик экинларини ҳар қандай турини етиштиришга мос булиб, улардан мул сифатли ҳосил олиш имконини беради.

Об-ҳаво иклим шароитлари нуқтаи назаридан, Ўзбекистан ҳудуди қуйидаги зоналарга булинади: Шимолий, ғарбий, марказий ва шар қий.

Илмий тадқиқот ишлари марказий зонада олиб борилди. Марказий зона Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларини ва Тянь-Шан, Помир-Олой тоғ этакларида жойлашган қир адирларни бирлаштиради ҳамда юқори термик ресурслари билан зона алоҳида ажралиб туради.

Баҳор эрта келади. Март ойининг бошларидан қунлар исий бошлайди, айрим йиллари бундан мустасно. Ёз мавсумий эса узок давом этиб, қурук ва иссик булади. Баъзи йиллари ёзнинг боши ва охирида қиска муддатли ёмғирлар булиб утади. Куз мавсуми ҳам узгача, асосан илик қунлар булади, айрим йилларда ёгингарчилик эртарок бошланади.

Тошкент вилоятининг иклим шароити континентал хусусиятларга эга. Баҳор эрта бошланади. Март ойидан ҳарорат анча ошади ва айрим экинларни эқиш мумкин. Март ойида ёгингарчилик қуп булади. Ёз мавсуми анча узок давом этади, ҳаво ҳарорати анча юқори булади. Қуйидаги жадралларда “Тошкент” метеорологик станцияси маълумотлари 2013 йил учун берилган.

## 1- Жадвал

Хаво ва тупрок харорати “Тошкент-Обсерватория” метеорологик станцияси маълумотига кура куйидагича.

Т/р	Ойлар	Ойлик хаво харорати, С <sup>0</sup>	Куп йиллик хаво харорати С <sup>0</sup>	Бир йиллик тупрок; харорати, С <sup>0</sup>	Куп йиллик тупрок; харорати, С <sup>0</sup>
1	Январ	4,3	-2,4	-1,0	-2,0
2	Феврал	5,5	2,9	3,0	-1,0
3	Март	11,9	7,4	10,0	8,0
4	Апрел	15,3	14,4	20,0	17,0
5	Май	21,3	20,4	27,0	25,0
6	Июн	26,6	26,8	34,0	31,0
7	Июл	28,4	26,8	36,0	34,0
8	Август	26,6	24,6	33,0	30,0
9	Сентябр	23,2	19,1	25,0	22,0
10	Октябр	14,9	12,2	13,0	13,0
11	Ноябр	8,6	10,5	7,0	10,0
12	Декабр	2,8	-3,3	-2,0	0,0

Июн, июл ойларида ёгингарчилик кам булиб, максимал харорат 40°C дан ошади.

Кузда илик кунлар анча давом этади, хаво харорати секин пасайиб боради. Октябр ойининг охирида ёки ноябр ойининг бошида совук тушиб дала экинларининг вегетация даври тухтайди. Бу даврга келиб табиий ёгингарчилик микдори ошади.

## 2-Жадвал

“Тошкент-Обсерватория” метеорологик станцияси маълумотига кура куп йиллик уртача ёгин микдори ва хавонинг нисбий намлиги.

<b>Т/р</b>	<b>Ойлар</b>	<b>У рта куп йиллик ёгин микдори мм</b>	<b>Куп йиллик хароратининг нисбий намлиги, мм</b>
1	Январ	62,2	68
2	Феврал	44,9	64
3	Март	106,3	62
4	Апрел	45,9	53
5	Май	5,4	58
6	Июн	4,7	45
7	Июл	0,9	48
8	Август	2,8	51
9	Сентябр	4	52
10	Октябр	14,3	55
11	Ноябр	17,4	66
12	Декабр	87,2	69

## **2.2. Тупрок; шароити.**

Тошкент вилоятининг тупрок шароити ҳам рельефи иклим шароити сингари турличадир. Куйидаги жадвалда вилоятнинг тупрок турлари ва майдонлари келтирилган:

**3-Жадвал**

<b>Т/ р</b>	<b>Тупрок; турлари</b>	<b>Майдон минг/га</b>
1	Тог кунгир тупроклари	629,9
2	Тук; тусли буз	132,2
3	Типик буз	343,7
4	Оч тусли буз	9,5
5	Утлок;и буз	66,3
6	утлок;и	174,2
7	Утлоки боткок	30,8
8	Шагал ва кум, кумлок	201,1

Вилоятнинг тук кунгир ва тук тусли буз тупроклари тоғ худудларида, типик буз тупроклар адир ва тоғ олди худудларида, утлоки буз, утлоки боткок шагал ва кум тупроклар эса текислик худудларида таркалган.

Тук-кунгир, тук тусли буз ва утлоки буз, утлоки боткок тупроклари жуда унумдор булиб, улардаги гумус миқдори 1,0-1,08% гача булади. Типик буз ва тусли буз тупрокларда унинг миқдори 0,6-1,3% гача, утлоки буз, утлоки ва утлоки боткок тупроклар да унинг миқдори 1,3-1,8% ни ташкил килади. Шагал ва кум тупрокларда гумуснинг миқдори жуда кам булиб, 0,3-0,6% уртасида булганлиги илмий адабиётларда кайд килинган. Вилоят тупрокларининг мелеоратив ҳолати кулайдир, лекин тук-кунтир, тук тусли буз ва типик буз тупроклар таркалган. Худудларда тупрок эрозияси содир булади. Эрозия туфайли тупрокнинг юза катлами турли даражада ювилган ва шунинг оқибатида тупрок таркибидаги усимликлар учун ута зарур булган озука моддалари ҳам ювилиб, тупроклар унумсиз ҳолатга тушмоқда. Оч тусли буз утлоки буз, утлоки боткок, шагал ва кум тупроклар таркалган ерларда сизот сувлари ер юзасига яқин. (1-1,5 м) жойлашган. Шунинг учун бундай тупрокли ерларда сизот сувлар сатх,ини пасайтириб, ерни боткоккланиш ва зах,лашдан саклаш тадбирлари утказилади.

### **Ш-боб. Тадқиқотни бажариш усуллари.**

#### **3.1 Таҷриба тизими еа бажариш усуллари**

Янги газон ут навлари уругчилигини урганиш буйича илмий тадқиқот ишлари Тошкент вилояти Қибрай тумани Тош ДАУ нинг тажриба станциясида олиб борилади. Тажрибада газон ут навларининг янги Манзара-1 ва Манзара-2 навларининг уругчилиги урганилади. Дала тажрибалари куйидаги тизимда амалга оширилади.

### Тажриба тизими.

#### 4-Жадвал

Вариант №	Экиш усули	Навлари
1	Уругидан экиш	Манзара-1
2	Уругидан экиш	Манзара-2
3	Кучатидан экиш	Манзара-1
4	Кучатидан экиш	Манзара-2

Тажриба вариантларининг майдони  $240\text{ м}^2$  (узунлиги 50м кенлиги 4.8 м яъни каторлар сони 8 та). Тажриба майдонида урганилаётган вариантлар кетма-кет тизимли, (системали) шаклда ва улар 4 такрорланишда жойлаштирилади.

### Тадқиқот таркиби

1. Тажриба майдонинг тупрок шароитини урганиш. Бунда тажриба майдони тупрокнинг тузилиши ва марфологик белгилари тупрок кесмаси буйича аникланади.
2. Тупрокнинг сув утказувчанлигини аниклаш. (ички ва татқи темир халкаларга сув куйиш усули билан)
3. Тупрокнинг хажмий массасини аниклаш. (1м чуқурликкача х, ар 10 смда 3 такрорланишда кесувчи цилиндрлар усули билан)
4. Тупрок таркибидаги озука моддаларни аниклаш. Бунда тажриба майдонидан 0-30, 30-50 см, катламдан тупрок намуналари олинади. (усув даври бошида) ва

унинг таркибидаги гумус, умумий азот, фосфор ва калий моддалари ҳдмда уларнинг ҳаракатчан шакллари аниқланади.

5. Таҷриба майдониға берилаетган сув микдори сугоришлар буйича алоҳ,ида улчаб борилади. (Чиполлети сув улчаш асбоби ёрдамида)

ТошДАУнинг таҷриба участкаси Тошкент вилояти Қибрай тумани Бузсув ва Салар дарёлари қуйилиш жойида кишлок хужалик илмий-тадқиқот, уқув-таҷриба станцияси майдонида жойлашган. Станциянинг географик координаталари: 41° шимолий кенгликда, 38° шарқий узунликда жойлашган. Таҷриба участкасининг тупроғи узига ҳос буз тупроқдан иборат бўлиб, урғача қумок механик таркибдан иборат. Участка қадимий сугориладиган ерларда жойлашган. Тупроқдаги минералларнинг микдори:

Азот - 01.%

Фосфор - 0.14%

Калий - 2.2%

Тупроқ озик элементларининг таркиби мг/кг да: N-NH<sub>4</sub>-2.2, N-NO<sub>3</sub>-18.0, H<sub>2</sub>O<sub>5</sub> - 29.0, R<sub>2</sub>O - 180.0;

Бу курсаткичлар (агрохимё кафедраси маълумотлари) ва тупроқда минерал моддаларнинг сони, шуни билдирадики, Буз сув ва Салар дарёлари қуйилишидаги тупроқда озук моддалар етарли эмас, ер ости сувларининг жойланиши 5-6 м чуқурликда. Ер кам микдорли (рН 8-9). Сугориш учун Бузсув дарёсидан фойдаланилади.

Таҷриба майдони тупроқнинг тузилиши ва марфологик белгилари тупроқ кесмаси буйича аниқланди.

6. Тупроқнинг сув у<sup>тказу</sup>вчанлигини аниқланди. (ички ва ташки темир ҳал қал ар га сув қуйиш усули билан)
7. Тупроқнинг ҳажмий массаси аниқланди. (1м чуқурликкача ҳдр 10 смда 3 такрорланишда кесувчи цилиндрлар усули билан)
8. Тупроқ таркибидаги озук моддалари аниқланди. Бунда таҷриба майдонидан 0-30, 30-50 см, қатламдан тупроқ намуналари олинди. (усув даври бошида) ва

унинг таркибидаги гумус, умумий азот, фосфор ва калий моддалари ҳамда уларнинг ҳаракатчан шакллари аниқланди.

9. Таҷриба майдонига берилаётган сув миқдори сугоришлар бўйича алоҳида улчаб борилди. (Чиполлети сув улчаш асбоби ёрдамида)

#### **Фенологик кузатишлар.**

1. Вариантлар бўйича кучат калинлигини аниқланди (усимлик униб чиқкандан ва кучат экиб бўлингандан кейин 1 м<sup>2</sup> майдондаги усимликлар санаб чиқилди).

2. Усимликларнинг узиш фазалари муддатларива давомийлиги аниқланди (майсалаш, туплаш, шохланиш, бошокланиш, гуллаш).

3. Усимликнинг умумий ва маҳсулдор поялар сони аниқланди (0.5м<sup>2</sup> майдонга вариантлар бўйича).

### **3.2 Тадқиқотда урганилган Манзара-1 ва Манзара-2 маҳаллий газон ут навларининг таъсирати**

Газон утлари йил давомида яутларининг тук яшил манзараси куз нурини уткирлаштиради. Шил манзара вужудга келтириб, йуллар, бинолар, ҳайкаллар атрофига, истироҳат боғларига эстетик қуриниш беради ва ижобий экологик шароит тугдиради.


Газон утлари экилган майдонларда ва уларнинг атрофида узишга ҳос муътадил микроклим вужудга келади. Иссиқ кунларда ҳавонинг ҳарорати ни пасайтиради, унинг намлигини эса оштиради.

Атроф муҳитдаги ҳанг заррачаларини узишга ютиб, губорсиз муҳит пайдо қилади. Кучли фотосинтез жараёни натижасида атмосфера ҳавоси кислород билан туйинади, аксинча карбонат ангидрид газини камайтиради.

Газон утлари фитомецидлик яъни патоген бактерияларига, замбуругларга қарши турли моддалар ишлаб чиқариш хусусиятларига эга. Газон утларининг тук яшил манзараси куз нурини уткирлаттиради. Ятти майдонлар асосини ташкил этувчи турли қуринишдаги куп йиллик ва бир йиллик газон утлар ободончилик ва кукаламзорлаштириш билан боғлиқ экологик муаммоларнинг ечими

х,исобланади. Чимлоклар, манзарали дарахтлар ва гуллар билан бирга бир-бирига мос равишда барпо кил и и ганда шахар ах,олисини дам олиш ва мех,нат килиши учун яхши шароит вужудга келтирилади

### **Газон ут нави “Манзара-1”**



#### **К^иск;ача тавсифи**

Бошокдошлар оиласига мансуб куп йиллик ут. Роа protensi s-мятник луговой-утлок кунгирботтти Генератив шохлар узунлиги- 30-45 см Барг узунлиги - 9-12 см

Барг ранги -тук яшил

Иссик хароратга чидамлилиги-юкори

Кургокчиликка чидамлилиги-урта

Йил давомида тук яшил манзарали газон вужудга келтиради. Яшил рангли барглар билан киттлайди

Турли тоифадаги газонлар барпо килиш учун мулжалланган.

### **Газон ут нави “Манзара-2”**



### **К^иск;ача тавсифи**

Бошокдошлар оиласига мансуб куп йиллик ут. Lolium регеппе-  
многoлетный райграс-яйлов мастаги Генератив шохлар узунлиги

15-32 см Барг узунлиги 7-15 см Барг ранги яшил

Иссик хароратга чидамлилиги-юкори

Кургокчиликка чидамлилиги-4 балл

Совукка чидамлилиги кжори

Йил давомида яшил манзарали газон вужудга келтиради.

Оч яшил рангли барглар билан киттглайди

Турли тоифадаги газонлар барпо килиш учун мулжалланган.

#### **IV-боб. Дала шароитида тажриба майдонида уруг учун газон утларини етиштириш агротехникаси.**

Газонбоб усимликлардан мул ва сифатли уруг етиштириш асосан навларнинг биологик хусусиятлари (эрта, урта ва кеч пишарлиги, табиий шароитларга яъни х,аво хдроратига, намлигига, ёруглик шароитига муносабати, сову к, гармсел ва кургокчилик хдмда касалликларга чидамлилиги), уруг етиштириш агротехнологияларига (ерни экишга тайёрлаш, экиш муддати, усуллари, катор ораларига ишлов бериш, угитлаш, сугориш, бегона утпарга карши курашиш ва х,оказо) боглик булади. Янги газон ут навлари уругчилигини урганиш буйича илмий тадқиқот ишлари Тошкент вилояти Қибрай тумани ТоттДАУ нинг тажриба станциясида олиб борилди. Тажриба майдонида газон ут навларининг уругини етиштириш учун дастлаб кузда ер танлаш ва ерни шудгорга тайёрлаш ишлари амалга оширилди. Газон утлари паст буйли, ер буйлаб усганлиги учун, уларга бегона утлар ката салбий таъсир курсатади. Шунинг учун уруг лик газон утлари экиладиган майдон учун кечки сабзаот экинларидан бушаган ер танланди, маълумки кечки сабзаотлар бегона утпардан доимо тозаланиб борилади ва уларни уругидан ёки илдиз пояларидан ривожланишига йул куйилмайди. Танланган ер эски усимлик колдикларидан тозаланди, у қари кл ар кумилди, дала четларидаги куриган усимлик колдиклари уриб ташпанди. Тажриба майдонига шудгордан олдин фосфорли(суперфосфат угити) ва калийли угитл ар (калий хлор) аралаш х,олда кулда ер юзаси буйлаб сепилди. Бунда угитларнинг йиллик меъёрини 70% сарфланди(Тажриба майдонига сарфланган угитлар меъёри ва уларни муддатлари алох,ида булимда берилган). Минерал угитлар сепиб булингандан кейин шудгорлаш утказилди (15-ноябр 2012Й), шудгорлаш загон усулида амалга оширилиб, унинг чуқурлиги 30см дан иборат булди. Тажриба майдонида эрта бах,орда яъни апрел ойининг бошида умумий текислаш, бороналаш ишлари амалга оширилди. Бу тадбирлар асосан тупрокда намликни саклаш, эртабах,орги бегона утларга карши курашиш ва ерни юза юмшатиш учун утказилди.

Апрель ойининг 16-куни кучат экишдан олдин ер такроран бороналанди ва

кисман текисланиб эгат олинди. Бунда эгатлар оралиги 70см, эгат чуқурлиги 16-18 см, пушта кенглиги 40-45см булди.

**7-Жадвал**

**Тажриба майдонида газон ут навларининг уругчилиги учун утказилган агротадбирлар.**

<b>Т/р</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Утказиш муддати</b>	<b>Изох</b>
1	Ерни шудгорга тайёрлаш	13.11.2012.	
2	Шудгордан олдин угитлаш	14.11.	Суп.фосфат ва калий хлор
3	Шудгорлаш	15.11.	
4	Эрта бах,орги бороналаш	10.04.2013.	
5	Экишдан олдинги бороналаш ва эгат олиш	16.04.	
6	Кучат ва уругни экиш	23.04.	
7	Бегона утларга карши кураш	3.05.	
8	Усимлик катор ораларига ишлов бериш	5.05.	
9	Эгат очиш ва азотли угит билан озиклан.	14-16.05.	Аммиак селитраси
10	Биринчи сугориш	10.05	
11	Культивация	14.05.	
12	Усимлик к;атор ораларига ишлов бериш	22.05	
13	Эгат олиш	24.05.	
14	Иккинчи сугориш	23.05	
15	Культивация	27.05.	

16	Эгат олиш ва угитлаш	4.06.	Аммиак селитраси, суп. фосфат, калий хлор
17	Учинчи сугориш	7.06	
18	Бегона утларга карши чопик;	10.06	
19	Эгат олиш	21.06	
20	Туртинчи сугориш	23.06	
21	Бешинчи сугориш	17.07	
22	Бегона утларга карши чопик;	30.07	
23	Эгат олиш ва угитлаш	5.08	Аммиак селитраси
24	Олтинчи сугориш	7.08	
25	Еттинчи сугориш	9.09	
26	Саккизинчи сугориш	26.09	
27	Бегона утларга карши чопик;	31.09	

Тажриба майдонида 23-апрел куни лаборатория шароитида етиштирилган кучатлар ва уруғлар экилди. Экиш икки усулда амалга оширилди. 1- пуштага бир катор экиш, 2- пуштага 2 катор экиш.

Манзара-2 газон угининг уруғ сарфи пуштага бир катор экишда 100кг/га, икки катор экишда эса 200кг/га, Манзара-1 газон угидаги уруғ сарфи пуштага бир катор экишда 50кг/га, икки катор экишда эса 100кг/га булди.

Кучатларни жойлаштиришда кучатлар сони бир катор экишда 140 минг/га (х,ар 10см да бир дона), икки катор экилганда 280 минг/га кучат булди.

Тажриба майдонида кучат экиб булингандан кейин май ойининг боттида бегона утларга карши чопик утказилди ва катор ораларига ишлов берилди. Бутун мавсум давомида бегона утларга карши 5 марта чопик килинди, 3 марта катор ораларига ишлов берилди ва шундан сунг сугориш учун эгатлар очилди (1-4 сугоришлардан олдин)ва мавсум давомида 11 марта сугориш утказилди,3 марта азотли угитлар билан озиклантирилди (1,3,6-сугоришлардан олдин). Тажриба майдонида утказилган агротадбирлар  
7- жадвалда келтирилган

## **V-боб Тажриба натижалари.**

### **5.1 Лаборатория шароитида газон ут кучатлариини етиштириш.**

Тажириба тизимига мувофик газон ут кучатлариини тайёрлаш учун дастлаб тупрок, кум ва биогумус 1:1:1 нисбатдаги субстрат аралашмаси тайёрланди. Тайёрланган субстрат кучат етиштиришга мулжалланган касегаларга (х,ар бири 80та ячейкалик) жойлаштирилди ва 13-март куни газон утининг Манзара-1 ва Манзара-2 навларини уруглари х,ар бир ячейкага 3 тадан уруг экилди.

Уругларни тулик униб чикиши учун х,ар куни сув пуркагич ёрдамида сув берилди. Экилган уруглар орадан 5-6 кун утгач (16-18 март кунлари) униб чика бошлади. Уругларни униб чикиш тезлиги 5- жадвалда келтирилган.

#### **5- Жадвал**

### **Лаборатория шароитида газон ут уругларининг униб чик;иш тезлиги(%).**

Навлар	Уруг экилган кун	Кузатиш кунлари					
		17.03	18.03	19.03	20.03	21.03	22.03
		3					
Манзара-1 (Poa pratensis)	13.03	-	-	11	38	64	80
Манзара-2 (Lolium perenne)	13.03	13	58	76	83		

Жадвал маълумотлари шуни курсатадики, лаборатория шароитида газон утининг Манзара-2 нави Манзара-1 навига нисбатан 2 кун олдин униб чика бошлади ва биринчи кузатиш кунида униб чиккан усимликлар сони 13% ни(умумий эгаллаган уругларга нисбатан), 3-кузатиш кунида 76% ни 4-кунда яъни экилгандан бошлаб 4 кундан кейин униб чиккан усимликлар 83% ни ташкил килди. Манзара-1 навида эса униб чикиш орадан 10 кун утгандан сунг (13-мартдан 22-мартгача) 80% дан иборат

булди.Тажриба натижасида олинган маълумотларга асосланиб хулоса килитт мумкинки, лаборатория шароитида газон утининг Манзара-1 навига нисбатан Манзара-2 нави тез униб чикиш кобилиятига эга эканлиги аникланди. Шунингдек урганилган навларнинг иккаласида ҳам уруглари тулик (100%) униб чикитти кузатил-мади. Бунинг асосий сабаби уругларнинг биологик униб чикиш кобилияти-нинг пастлигидир.Лаборатория шароитида газон ут навларини кучатини етиштириш буйича олиб борилаётган тажрибаларни давом эттириш мақсадида ҳам бир касега ячейкасида биттадан яхши устига эга булган усимлик колдирилди (колган усимликлар олиб ташланди) ва устириш технологияларига риоя килинган ҳам,олда кузатиш давом эттирилди.Кучатни парвариш килитт давомида ҳам куни 2 марта(эрталаб соат 9<sup>00</sup> да ва кеч соат 17<sup>00</sup>да) сугориш утказилди, бунда ҳам бир касегага 1,2-1,5 л сув сарфланди. Кучатларни минерал угитлар билан озиклантириш 10-апрель куни яъни кучатлар униб чиккандан 20 кун кейин амалга оширилди. Кучатларни озиклантиришда 1м<sup>2</sup> майдон учун минерал угитлар дан аммиак селитраси (6г),аммофос (Юг) ва калий хлор (8г) узаро аралаштирилиб ишчи эритма тайёрланди (5л сувда) ва эритма усимликлар устидан пуркаб берилди.

Тажрибада газон ут навлари кучатларига берилаётган сув ва минерал озукларни меъёрида устириш ва ривожланишини таъминлади.

**6- Жадвал**

**Лаборатория шароитида устирилган газон ут навлари кучатларининг  
устириш ва ривожланиши.**

Навлар	22-март		5-апрель		23-апрель			Илдиз курсаткичи	
	Барг узунли ги, см	Барг сони, дона	Барг узунли ги,см	Барг сони, дона	Барг узунли ги, см	Барг сони, дона			
Манзара-1	2	3	3	5	14	7	3	4	3
Манзара-2	3	5	5	7	16	9	5	6	5

Лаборатория шароитида етиштирилган кучатларнинг усиши ва ривожланиши буйича олинган маълумотлар 6-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвал маълумотларини курсатишича усув даврининг бошида Манзара-1 навида барг узунлиги 2см, барглар сони 3донани, Манзара-2 навида эса бу курсаткичлар 3 ва 5см ни ташкил килди. Кузатишнинг охирги муддатида яъни кучатларни дала шароитига кучириб утказиш олдиан ҳам газон утлари навларининг усиш ва ривожланишида узаро сезиларли фарк борлиги аникланди.

Шу даврга келганда (20-апрел) Манзара-1 газон ут навининг барг узунлиги 14см, барглар сони 7 дона, тупланиш сони 3 дона, Манзара-2 навида эса кжорида келтирилган курсаткичлар унга мос равишда 16см, 9 дона ва 5дона булди. Урганилган навларнинг илдиз курсаткичларида ҳам узаро фарклар борлиги кузатилди. Манзара-1 навининг илдизлари узунлиги  $uP^{тача}$  4см, илдизлар кенглиги 3см, Манзара-2 навида эса илдизлар узунлиги 6см, кенглиги 5см дан иборат булди.

Тадкикотлар да урганилган навларнинг лаборатория шароитида кучат етиштириш жараёнини урганиш шуни курсатдики, газон утининг Манзара-1 нави, Манзара-2 навида нисбатан бирмунча кеч усиши, барглар сонининг кам булишлиги, илдиз тизими нисбатан атрофга ва чуқурлиги буйича кам таркалиши, лекин ута зич майда илдиз толачалари куп булиши аникланди. Умуман олинган тадкикот натижаларига асосланиб хулоса килиш мумкинки, урганилаётган иккала газон ути навларининг дала шароитида экиш учун кучатлари уруги экилгандан кейин 38-40 кунда тулик етилиб,

экиш учун тайёр х,олатга келар экан.



## **5.2. Уруглик учун экилган газон ут навларини угитлаш тартиби.**

Газон утларидан мул ва сифатли уруг олишда минерал угитлар нинг ахдмияти жуда катта. Маълумки, тупрок таркибида маълум микдорда органик ва минерал моддалар булиб, улар тупрокда кулай мухит яъни намлик, иссиклик, х,аво режимлари бир-бирига мутаносиб х,олда булганда тупрокдаги озика моддалар эриб, тупрок эритмасини вужудга келтиради ва эритмадан усимликлар озика сифатида фойдаланади. Лекин, тупрокда минерал ва органик моддалар етарли булмаганлиги учун унга минерал угитлар солинади.Тажриба майдони тупрогини озика моддалар билан бойитиш ва тупрок структурасини яхшилаш максатида кузда шудгордан олдин суперфосфат ва калий хлор угитлари солинади, газон утларини усу в даврида эса азотли угитлар берилди. Минерал угитларни солиш меъёри, муддатлари ва угитлаш

сони ҳақиқатдаги маълумотлар 8-жадвалда келтирилган.

## 8- Жадвал

### Уруглик учун экилган газон ут навларини уғитлаш тартиби (кг/га хисобида, соф ҳолда).

Йиллик уғитлаш меъёри, кг/га	Уғитлаш меъёри ва муддатлари			
	Шудгордан олдин	1-сугоришдан олдин 16.05.	3-сугоришдан олдин 18.06.	6-сугоришдан олдин 27.07.
Азот 200	-	60	70	70
Фосфор 170	120	-	50	-
Калий 120	85	-	35	-

Юкорида келтирилган жадвал маълумотлари шуни курсатадики, тажриба майдонида берилган минерал уғитлар меъёрлари усимлик талабидан келиб чиққан ҳолда бутун усув ва ноусув даврлари буйича таксимланган.

Фосфорли ва калийли уғитлар тупрокда секин эрувчан, усимликлар учун кулай шаклга утиштирилади куп в акт талаб килишини хисобга олиб, уларни йиллик меъёрини 70% ни кузда шудгордан олдин ерга солинди ва эрта баҳорга келиб харакатчан шаклга тулик ути б булади ва усимликларни фосфор ва калий моддаларига булган талабини кон дирад и. Бу уғитларнинг кол ган 30% эса газон утларини 3-сугоришдан олдин азотли уғитлар билан бирга аралаш холда ерга солинди.

Азотли уғитлар тез эрувчан ва усимликлар учун киска муддатда етиб борганлигини хисобга олиб бу уғитни усув даври давомида 3га булиб берилди. Азотли уғитлар билан биринчи озиклантиритт дастлабки сугоришдан олдин, кейинги уғитлашлар 3 ва 6-сугоришлардан олдин амалга оширилди. Умуман, тажриба майдонида газон ут навлари учун берилган минерал уғитлар турлари, меъёрлари ва муддатлари газон утларини меъёрида усиши ва ривожланишини етарлича таъминлаб берди.

### **5.3. Уруглик учун экилган газон ут навларининг сугориш тартиблари.**

Газон утлари биологик хусусиятлари буйича сув га талабчан усимликлар катор и га киради. Улар йил давомида яшил х,олда усувчи, фотосинтез жараёни нисбатан куп ва жадал кечиши, транспирация коэффициентининг юкорилиги, илдиз тизимлари асосан тупрокнинг юза катламларида (15-18см) жойлашганлиги сабабли куп сув сарфлайди. Газон утпаридан юкори ва сифатли уруг х,осили олишда сугориш тартибларининг ахдмияти катта.



Тажриба майдонида уруглик етиштириш учун экилган газон ут навларини сугориш тартибларини урганишда уларнинг сувга булган талабини кузатиш ва тупрок намлигини аникпаш йули билан амалга оширилди. Маълумки, жуда куп кишлок хужалик экинларини усиши ва ривожланиши хдмда мул х,осил олишда сугоришлардан олдинги тупрок намлиги тупрокнинг чекланган нам сигимига нисбатан 70-80% дан кам булмаслиги керак. Шу х,олатдан келиб чиккан х,олда

тажриба майдонида газон ут навларини сугориш тартибларини белгилаш учун сугоришлардан олдинги тупрок намлиги газон утларини гуллашгача ва гуллаш фазаларида булган даврлардаги сугоришлардан олдинги тупрок намлиги тупрокнинг чекланган дала нам сизимига нисбатан 80%, пишиб етилишт фазасида эса 70% килиб белгиланди. Чунки газон ут навларининг асосий хусусиятларидан бири ва бошка галласимон усимликлардан фарки шуки улар доимий усувда булганлиги учун дастлабки усув фазалари бир мунча киска булиб, тез бошоклаш ва гуллаш фазаларига утиш хусусиятларига эга.Шунинг учун эрта бах,ордан тез ривожланиб бошоклаш ва гуллаш фазасига киради хдмда шу даврда бошка усув фазаларига нисбатан купрок сув талаб килади.

## 9-Жадвал

### Уругчилик учун экилган газон ут навларининг сугориш тартиблари

Курсаткичлар	Сугориш сонлари							
	1	2	3	4	5	6	7	8
Сугоришдан олдинги тупрок намлиги, %	17,6	18,5	19,0	17,1	17,0	17,2	16,5	16,0
ЧДНС га нисбатан %	75,2	79,0	81,2	73,0	72,6	73,5	70,5	68,4
Сугориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	446	377	340	480	500	480	520	550
Сугориш муддати	10.05	23.05	7.06	23.06	15.07	7.08	1.09	25.09
Сугоришлар орасидаги кунлар	20	13	15	16	22	23	23	25

#### 5. 4 Уруг лик учун экилган газон ут навларининг усиши ва ривожланиши.

Уруг олиш учун экилган газон ут навларининг усиши ва ривожланиши асосан навларнинг биологик хусусиятларига, у<sup>тказила</sup> Диган агротадбирларга, жумладан сугориш

ва минерал озиклантириттг тартибларига хдмда усимликларни экиш усулларига боғлиқ булади.

